



ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кuni ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 63 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 80 000 (саксон минг) сўм миқдорда бир марталик пул муқофоти белгилансин.
2. Маъмур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги,

Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул муқофотининг тантанали ва байрамона вазиётада топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ва

зирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2008 йил 24 апрель.

И. КАРИМОВ

«ЛУКОЙЛ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАЖЛИСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Мухтарам меҳмонлар, «ЛУКОЙЛ» компанияси Директорлар кенгаши мажлиси иштирокчиларини самимий кутлайман.

Бу муҳим тадбирнинг Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрида ўтказилиши улкан углеводород хомашёси захирасига, уни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича ривожланган индустрияга эга бўлган мамлакатимиз билан «ЛУКОЙЛ» компаниясининг ҳамкорлик кўлами тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, энг аввало стратегик муҳим энергетика соҳасида ўзининг табиий-хомашё ресурсларидан самарали ва оқилна фойдаланиш бўйича комплекс ҳамда узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган дастурларни амалга оширишдан иборат қатъий йўлни танлаб олди. Уларни амалга оширишда етакчи хорижий компаниялар ҳам фаол иштирок этмоқда. Биз маъмур компаниялар билан ўзаро наф қўриш ва томонларнинг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида изчил ҳамкорлик қилишга интилоқдамиз.

Ўзбекистонда Россиянинг бутун дунё эътироф этган «ЛУКОЙЛ» очик акциядорлик жамияти компанияси билан узоқ муддатли самарали ҳамкорликни ривожлантиришга, умумий қиймати 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган, 35 йилга мўлжалланган кўшма дастурни тўлиқ ҳажмда амалга оширишга муҳим аҳамият берилмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиманки, 2007 йилда «ЛУКОЙЛ» очик акциядорлик жамияти билан «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси ўртасида махсуслотни тақсимлаш тўғрисидаги битим доирасида Қандим гуруҳи, Ховузак, Шоди конларини ривожлантириш ва Устюрт минтақасида геология-қидирув ишларини олиб бориш лойиҳаси бўйича бўлган туширилган биринчи комплекс фойдаланишга топширилди.

«ЛУКОЙЛ» ҳал қилувчи ўрин тутадиган халқаро консорциум томонидан Орол денгизи акваториясида геология-қидирув ишларини олиб бориш ва янги углеводород конларини ўзлаштириш лойиҳаси, шунингдек, Ўзбекистоннинг жанубий қисмидаги Қашқадарё вилояти ҳудудида компаниягиз томонидан нефть ва газ конлари ўзлаштирила бошлангани катта истиқболга эгадир.

Ишончим комилки, тўпланган ижобий шериклик таърибаси ва энергетика ресурсларини самарали қидириш ҳамда ўзлаштириш йўлидаги ҳамкорлигимиз Ўзбекистон иқтисодий ва компаниягизни ривожлантиришнинг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилади.

«ЛУКОЙЛ» очик акциядорлик жамияти Директорлар кенгаши мажлиси қатнашчиларига самарали ишлашларини ва белгиланган режаларни амалга оширишда янада юксак муваффақиятларга эришишларини тилаб қоламан.

Хурмат ва эҳтиром билан,
Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ — САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

Тошкентда «Лукойл» очик акциядорлик жамияти (Россия) Директорлар кенгашининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг қатор вазирлик ва идоралари, «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Лукойл» компанияси Директорлар кенгашининг Тошкентдаги мажлиси иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов ўқиб эшиттирди.

«Лукойл» ОАЖ президенти Вагит Алекперов давлатимиз раҳбарига ушбу муҳим тадбирга қаратган эътибори учун самимий миннатдорлик изхор этди. Ўзбекистон билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳити икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини жадаллаштириш имконини бермоқда. Ўзбекистон улкан нефть-газ салоҳиятига эга. Ўзбекистон

ва Россия нефть-газ қазиб олувчилари ҳамкорлигининг имкониятлари ҳам катта. Бу эса ўзаро муваффақиятли ҳамкорликнинг муҳим омили ҳисобланади.

«Лукойл» Ўзбекистонни инвестиция қилиш бўйича ўзининг стратегик муҳим ҳамкори, деб ҳисоблайди. Биргаликда амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги ҳам бундан далолат беради. Ховузак кони ўзбекистонлик шериклар билан кўп йилга мўлжалланган ҳамкорликнинг дебечасидир.

Мажлисида «Лукойл» Директорлар кенгаши Ўзбекистонда лойиҳаларнинг қандай амалга оширилаётганини кўриб чиқди. Кун тартибига нефть компанияси акциядорларининг йиллик мажлисини ўтказишга тайёргарлик қилиш масаласи ҳам кўриштирилди. 2007 йилда катта миқдорда соф даромад олинди. Ўзбекистонда лойиҳаларнинг муваффақиятли рўйга чиқарилиши ҳам бунда муҳим омил бўлди.

Маълумки, «Лукойл» сўнгги йилларда Ўзбекистон бозорига самарали фаолият юритмоқда. Тошкентда компания ваколатхонаси очилди, «Лукойл» оверсиз Ўзбекистон Лтд» шўъба корхонаси ташкил этилди. Ушбу корхона «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси билан Махсуслотни тақсимлаш тўғрисидаги битим асосида имзоланган Қандим-Ховузак-Шоди-

Кўнгирот мега-лоийҳасини амалга ошириш билан шуғулланмоқда. Лойиҳа 35 йилга мўлжалланган. Бу ерга киритилаётган инвестиция миқдори уч миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ҳамкорликдаги лойиҳани амалга оширишда сезиларли натижаларга эришилди. Утган йили Денгизкўл қирғида жойлашган Ховузак газ кони фойдаланишга топширилди. Бу ерда қисқа вақт ичида сейсмологик қидирув ишлари ўтказилди, фойдаланиладиган қудуқлар қазилди, участка ободонлаштирилди, электр энергиясини узатиш линияси барпо этилди, автомобиль йўли қурилмоқда. Хитойнинг тегишли тендерда голиб чиққан ТУНА компанияси бурғулаш ишлари пудратчиси этиб тайинланди. Ховузакда жами 37 та қудуқ қазилди.

(Давоми 2-бетда).



2008 йил — Ёшлар йили

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама пухта билим олишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Сиз суратда кўриб турган ёшлар Бекобод шаҳридаги тиббиёт коллежида таҳсил олишади. Ҳозирги пайтда коллежда 1830 нафар йигит-қиз ҳамширалик, акушерлик, тиббий профилактика ва даволлаш ишлари мутахассисликлари бўйича таълим олишаётр. Уларга 84 нафар олий маълумотли ва 10 нафар ўрта махсус маълумотга эга таърибали ўқитувчилар энг замонавий педагогик технологиялар асосида сабоқ беришмоқда.

Коллеж ўтган йили тўлиқ капитал реконструкция қилиниб, барча қулайликларга эга бўлган ўқув даргоҳига айлантирилди. Бу коллежда таълим-тарбия жараёнини янада оқсальтиришда муҳим аҳамият касб этди.



Ижроқўм йиғилиши

ТАШАББУСГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Партиянинг мақсад ва ғояларини аҳолига
етказишда янгича усуллардан фойдаланиш
якши натижа беради

Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий Аппаратида партия Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ижроия кўмита ҳамда партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва вилоят партия ташкилотларининг фаоллари қатнашди.

Кун тартибидagi биринчи масала юзасидан сўзга чиққан партия Сийёсий Кенгаши котиби Худоев Маматов «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга оширишда партиянинг иштироки ҳақида гапирди.

(Давоми 2-бетда).

ҲАМИША БИРГАМИЗ

Кеча
Халқаро
ёшлар
бирдамлиги
қуни
нишонланди

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан пойтахтимизнинг Бобур номидаги истироҳат боғида «Биз — ёшлар, ҳаммиша биргамиз!» мавзусида хайрият тадбири ўтказилди.

— Тадбирни ташкил этишдан мақсад ёшларимиз ўртасида ахилликни янада мустаҳкамлаш, уларни Ватанга садокат, меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдир, — дейди Тошкент шаҳар партия Кенгаши биринчи котиби Фарида Пармонова. — Бугун юртимизда билимли, янгилликка интилувчан ва ташаббускор ёшларимиз кўп. Уларнинг салоҳиятини Ватан раънақи йўлида сарфлаб, бирдамликка чорлаш бизнинг вазифамиздир.

Сўзга чиққанлар «Ёшлар йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши келажакимиз таянчи бўлиши ёш авлодга катта имкониятлар яратганини таъкидлаб ўтишди.

«Сиз партияимиз билан танишмисиз?» мавзусида ўтказилган танловда фаол иштирок этганларга эсдалик совғалари топширилди. Таниқли хонандлар ижросидаги дилрабо куй ва кўшиқлар иштирокчиларга кўтаринки руҳ бағишлади.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МАЪҚУЛЛАДИ

Икки партия фракцияси аъзолари иккита
муҳим ҳужжатни муҳокама қилишди

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳамда «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг кўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Аҳтам Турсунов бошқарди.

Йиғилишда куйи палата аъзолари иккинчи ўқишда киритилиши назарда тутилган «Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан муҳокама этилди.

Айтиш керакики, қонун лойиҳасидан кўзда тутилган мақсад — қутқарув хизматларининг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, қутқарувчилар, уларнинг оила аъзолари ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазаси масалалари бўйича давлат тўғрисида асосларини белгилашдан иборат. Йиғилишда эътироф этилгандек, қонун лойиҳасида оператив-қидирув фаолияти тушунақчилиги аниқ берилган, қонуннинг мақсади, вазифалари, ҳуқуқий асослари, асосий принциплари тула аниқ белгирилган. Оператив-қидирув фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий нормалари ва параметрларининг қонун билан мустаҳкамлашнинг эса бу йўналишдаги тадбирларнинг қонунийлиги ва ижтимоий аҳамиятининг қонун билан тасдиқланшига эришилди. Бу ўз навбатида, жамиятни демократлаштиришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди, чунки шахсининг Конституцияда ва бошқа қонун ҳужжатларида кўрсатилган дахлсизлик қафолатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари қонунчилик даражасида таъминланади.

Қонун лойиҳасини модда-модда кўриб чиққан фракциялар аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳасининг аҳамияти муҳим эканлиги эътироф этилиб, уни иккинчи ўқишда кўлаб-қувватлашга қелишиб олинди.

Йиғилишда учинчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Маъмур ҳужжат биринчи ва иккинчи ўқишда модда-модда кўриб чиқилгани боис анча мукамаллаштирилган. Айтиш жоизки, ҳар икки қонун лойиҳасидаги атамалар соҳа мутахассислари, таржимонлар билан ҳамкорликда ишлаш жараёнида янада аниқлаштирилди. Ушбу масала юзасидан Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарова депутатларга атрафчилик тушунириш берди. Депутатлар қонун лойиҳасини учинчи ўқишда кўлаб-қувватлашга қелишиб олдлар.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбири.

Маҳалла

ФУҚАРОЛАРНИНГ ИККИНЧИ УЙИ

Маҳаллалар бугун том маънода маърифат, маънавият ва таълим-тарбия масканига айланди. Бинобарин, мустақиллик йилларида маҳаллаларга катта эътибор қаратилди.

ҳалла фаоллари бош-қош бўлишарди.

Маҳалла обод бўлса, юрт обод бўлади. Утган йили экилган турли хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари меҳр билан парвариш қилинмоқда.


Уллас, маҳалламиз фаоллари ҳамisha халқ билан ҳамнафас. Уларнинг қувончу ташвишларидан доимо бохабар.

Йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ҳудуддаги 8-мактабда маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлигида турли мавзуларда тадбирлар ўтказишга киришдик.

Уллас, маҳалламиз фаоллари ҳамisha халқ билан ҳамнафас. Уларнинг қувончу ташвишларидан доимо бохабар.

Утган йили маҳалламиз фаоллари ҳамisha халқ билан ҳамнафас. Уларнинг қувончу ташвишларидан доимо бохабар.

Фармон ва ижро



Банк билан миқоз ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган манфаатли ҳамкорлик бесамар кетмайди. Халқ банкининг Самарқанд вилоят филиалида омонат хисобларига қўйилган маблағлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 миллиард сўмга кўпайгани ушбу фикримиз тасдиғидир.

Мамлакатимиз Президентининг айтиши шундан келиб чиқиб, тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш, кафолатларни кенгайтиришга қаратилган Фармони айтиш мумкин бўлди.

БАНК ВА МИЖОЗ

ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик бесамар кетмайди



Дарвоқе, миқоз ишончини қозониб, молиявий барқарорликка эришган Халқ банкининг вилоят филиали ўтган йили ёш оилаларга уй-жой сотиб олишлари учун 2 миллиард, кам таъминланган оилаларга эса қорамол харид қилишлари учун 1,5

натларини банкларга жалб этишнинг ҳуқуқий кафолатлари кучайтирилган Президент Фармонидан сўнг уларда қатор ишлар амалга оширилди. Аввало, ҳар битта шохобчада махсус омонатчилар бурчаги тuzилиб, зарур қўлланмалар билан таъминланди.

Қисқаси, Халқ банки вилоят филиалининг барча шохобчаларида бугун миқозларга нисбатан алоҳида диққат-эътиборни қўзатиш мумкин. Банк фаолиятидаги аниқлик, изчиллик ва кенгайтирилган кафолатлар эса иқтисодиёт ривожига хизмат қилаётди.

Зоҳир Тўрақулов, «Адолат» мухбири.

МИКРОКРЕДИТ: ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Президентимизнинг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилингандан бери ўтган давр мобайнида мўайян ишлар амалга оширилди.

Авалло, молиявий муассасанинг белгиланган устав капиталга тўлиқ шакллантирилди. Утган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2006 йилга нисбатан 2,2 баравар кўп миқдорда, яъни 56 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Биринчи раундда маблағларнинг 75 фоли вилоятда ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Қўзғалма семинарда банк муассасасининг вилоятлардаги мутасаддилар, маҳаллий ҳокимлик раҳбарлари, пойтахт вилоятининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда касб-хунар коллежалари раҳбарлари иштирок этди.

Д.ЛАКОВА

Мулкдорлар

ФЕРМЕРЛИҚДАН КАМ БЎЛМАДИ

Балиқчи туманида фидокорона меҳнат тўғрисидаги қонунга асосланган эришадиган фермер хўжаликлари кўпайиб кетди. Туробжон Хайдаров бошчилиги қилаётган «Махфора» фермер хўжалиги аъзоларининг ҳамжиҳатлигида қилган меҳнатлари самараси ўлароқ, йил сайин юқори ҳосилдорликка эришилди.

Эрни боқсанг, ер ҳам сени боқди, деган гап бежизга айтилмаган. Эл-юрт ризқ-насибасини яратиш йўлида астойдил ҳаракат қилаётган фермер чиндан ҳам кам бўлаётгани йўқ. Утган йили Туробжон чорвачиликда ҳам омадини синаб кўрди.

«Хамкорбанк»нинг «Чинобод» бўлимида 10 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олди. Шу кунларда эса хўжаликда 12 бош қорамол боқилапти.

Азамат Маҳмудов, «Адолат» мухбири.

БЎШ ИШ ҲАМ ҲАМКОРЛИК

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида «Ёшлик» талабалар шахарчасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги, Бандликка қўмақлашувчи маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда қўрилиш, таъмирлаш, сув таъминоти, техникасозлик, тикувчилик сингари юздан зиёд соҳа бўйича иш ўринларини тақлиф этган йигирма икки корхона ва ташкилот қатнашди.

Шунингдек, Бандликка қўмақлашувчи марказнинг дурдодор, сартарош, ҳисобчи, ЭХМ оператори каби касблардан сабоқ беришга ихтисослашган ўқув курслари тақлифномалари иш билан мувожаат қилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирда ўнлаб ёшлар корхоналарда ишлаш, курсларда ўқиш учун йўлланмалар олди.

(З.А)

Фаолият

СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

Олмалиқ шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш шўъба корхонаси жамоаси асосан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдек масъулиятли юмуш билан шуғулланади.

Корхона истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида жорий йилда бир қатор тадбирларни амалга оширишни режалаштирган.

У.САТТОРОВ, «Адолат» мухбири.

ётқизиш, Усмон Носир номли маҳаллада бургулар ўрнатиш ва 1 километрга қувурлар тармоғини қуриш ниятида. Ушбу вазифанинг адо этилиши билан 90 миллион сўм маблағ сарфланади. Лойиҳа қиймати 40 миллион сўмни ташкил этадиган тадбирлардан яна бири 10 та скважинани тозалашдир.

У.САТТОРОВ, «Адолат» мухбири.

Дунё кўзгуси

ФРАНЦИЯ СИЁСИЙ БОШПАНА БЕРДИ

Франция Грузиянинг собиқ Мудофаа вазири Ираклий Окруашивида сиёсий бошпана берди.

Мамлакатдаги «Ягона Грузия характери» партияси раҳбари Ираклий президент Михаил Саакашвили сиёсатига нисбатан кескин қарашлари билан танилган.



«ЗИЁЛИЛАР ШАҲРИ» ҚУРИЛАДИ

Судия Арабистонида инсоният тарихидаги энг йирик учта янги шаҳар лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.



Улардан энг йириги қирол Абдулла номи билан аталиб, Араб ярим оролининг г'арбий қисмидаги Рабиг деган жойда қурилади.

Яна бир шаҳар шахзода Абдулазиз Мусаид номи билан аталиб, бу ерда халқаро аэропорт, темирйўл тармоғи, порт ва назорат марказини қуриш режалаштирилган.

Колумбия президенти Альваро Урибенинги амакиваччаси, мамлакат парламентининг собиқ раҳбари Марио Урибе қамоққа олинди.



Марио Урибенинги ҳарбийлаштирилган гуруҳлар билан боғлиқ ишлари 2007 йилнинг октябридаёқ ошқор бўлган.

Назорат

ТЕЖАМКОРЛИК ФОЙДА ДЕМАҚДИР

Табий ресурслар – юрт бойлиги. Демакки, улардан оқилона фойдаланмоқ лозим. Бу борада ходимларимиз томонидан мунтазам равишда тегишли назорат олиб борилмоқда.

Мисол учун, табий газ ишлаб чиқариш қанчалик машаққатли меҳнат талаб этишини билса-да, «Шўртан нефть-газ» унитар шўъба корхонаси мутасадди ходимларининг масъулиятсизлиги боис, ёнигидан тежамсиз фойдаланиш ҳоллари учраб турибди.

Худди шунингдек, нефть маҳсулотлари сақланиши, сифати, ишлатиш ва тарқатиш, ёнигил-мойлаш материаллари омондорини тежинг, метрологик ҳолати юзасидан корхона ва ташкилотларда текширув ўтказилганда қатор камчиликлар борлиги аниқланди.

«Қарши нефть базаси» унитар корхонасида ўтказилган мониторингдан газдан фойдаланиш ускунасининг рухсатсиз қувурга улаб олиниши натижасида 1150 кубометр табий ёқилги ноқонуний сарфлангани маълум бўлди.

Бўлимимизга аҳоли ва миқозлардан ҳам тез-тез мувожаатлар бўлиб туради. Хусусан, яқинда Қарши туманидаги Хонобод ва Хилол қишлоқлари аҳолиси билан мувожаатлар бўлиб туради.

«Уздавнефтегаз» инспекцияси Қашқарда вилоят бўлими бош техникаси.

Инсон тақдири

НОМАЪЛУМ КИМСА

Буюк Британияда қутулмаган воқеа қузатилади. Қироллик оиласи аъзоларидан қимдир товламачилар касрига қоладиган кўринади.

Унинг исми тергов ва Британия монархияси манфаатлари нуқтаи назаридан қаттиқ сир тутилмоқда. Лекин айрим муҳим маълумотлар ошқор этилган.



Номмаълум кимсанинг навбатдаги қўнғирогидан сўнг махфий хизмат ходимлари «Hilton» меҳмонхонаси ёнида икки нафар шўбхали кишини кўлга олган.

Тахминий рўйхатнинг бошида, албатта, йигитлик бурчини бажаришга астойдил киришган шахзода Гарри турибди.

Россиянинг Пермь области прокуратураси кўп қаватли уй ертўласида учта йирик олий ўқув юртининг «Филиаллари» борлигини аниқлади.

Аммо бу видеоасмадаги шахсни ошқор этмаслик мақсадида Гаррининг номи келтирилган бўлиши ҳам мумкин. Бу ўринда исми сир тутилган шахс Елизавета IIнинг набираси Фредерик Виндзор ва Фель-автори анчайин қайсар Зара Филипслар, деб тахмин қилинаётган.

«Филиаллари» борлигини аниқлади. Бор-йўғи 200 метр квадрат жойда Ижевский юридик, Чайковский технология ҳамда Саратов политехника институтлари «фаолият» кўрсатган.

Хозирча калаванингни учи топилганича йўқ. Аниги шунки, товламачилар устидан суд жараёни якунлангач, барча масала ойдлашади.

«Филиаллари» борлигини аниқлади. Бор-йўғи 200 метр квадрат жойда Ижевский юридик, Чайковский технология ҳамда Саратов политехника институтлари «фаолият» кўрсатган.

Интернет хабарлари асосида Ахрор АЛИМАРДОНОВ тайёрлади.

